



КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

КУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЭНДИ ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДА



ТАРАККИЁТНИНГ АСЛ ПОЙДЕВОРИ

ПАРТИБИДА – ПАР ТАРБИЯСИ

Давоми 2-бетда

Роза ЗИНУРОВА,

халқ таълими фахрийи,
"Шўхрат" медали соҳибаси:

– Ўқувчилик пайтларимиз кечагидек ёдимда. Кўпчилик тенгдошларим қатори мактабни олтин ёки кумуш медаль билан битириб, олий ўқув юртига киришни орзу қилардим. Олтин медаль барча фанлардан чорак ва йиллик баҳолари фақат "аъло" бўлган, жамоат ишларида фаол, ҳуқуқ намунали ўқувчиларгагина насиб этарди. Мактабни битираётганимда олтин медалга даъвогарлар қаторида эканлигим эртанги кунимга ишончини аланглатган. Олтин медаль соҳиби бўлиб, олийгоҳга имтиёзли қабул қилиндим. Севган касбим бўйича 40 йилдан зиёд меҳнат қилдим. Ҳозир нафақадаман. Яқинда битирувчиларга олтин ва кумуш медаллар бериш йўлга қўйилишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Оқилона қарор бўлибди. Бундай эътибор ва рағбат ёшларни илм олишга бўлган иштиёқини ошириши, битирувчилар ўртасида дўстона рақобатни кучайтириши мукаррар.

Валия КОМИЛОВА,

олий тоифали ўқитувчи:

– Ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз тараққиёти, ёшларимиз таълим-тарбиясидаги роли бениҳоят улкан. Зеро, ёшлар камолотида, уларга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзулар билан яшаш туйғуларини сингдиришда келажагимиз бунёдкорларининг ҳиссаси беқиёсдир.

Президентимиз мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўқитувчилик касбининг жамиятдаги нуфузини янада ошириш мақсадида имзолаган қарори соҳада ортиқ

Бошланғич 1-бета

ча қозғозбозликларга, текширувларга, педагог ходимларни мажбурий меҳнатга жалб қилишга чек қўйди.

Қарор билан "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чоратadbирлар дастури" тасдиқланди. Унда юксак маънавият, кенг дунёқараш ва қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш,

мол топишларида эркак ўқитувчиларнинг ибрат мактаби зарур. Ойлик маошларининг оширилиши зиммасида оила бошлиғи, рўзгор юки бўлган эркак ўқитувчиларнинг мактабга қайтишларида туртки бўлиши аниқ.

Муборак ТЕЛЕВОВА,

Зангиота туманидаги
19-мактаб директори,
халқ таълими аълоҳиси:

– Ҳар бир инсон яхши шароитда ишлашни хоҳлайди. Шу маънода, бугун ўқитувчилар учун барча қўлайликлар яратилапти.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСЛ ПОЙДЕВОРИ

педагог ходимлар нуфузини ошириш, моддий-маънавий, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби устувор масалалар белгиланди. Ҳужжатга кўра, умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкалари 2018 йил 1 сентябрь ва 2019 йил 1 январдан оширилаётган бўлди.

Ойлада отанинг кадр-қиммати, бурч ва масъулияти нисбатда катта бўлгани каби, мактаб деб аталган даргоҳда эркак ўқитувчиларнинг алоҳида ўрни бор. Кейинги пайтда мактабларда эркак ўқитувчилар камайиб кетганлиги боис, ёшлар, айниқса, ўғил болалар тарбиясида бирмунча бўшлиқлар юзага келгани рости. Ўғлонларимиз довурак, мард, жасур, бир сўзли бўлиб ка-



Ўқитувчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга автокредитлар ажратилиши ҳаммамиз учун ёқимли янгиликлардан бўлди. Қарорга биноан, ҳар йили шаҳар ва қишлоқларда қўрилаган намуналий уй-жойларнинг бир қисмини халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган педагог ходимларга 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5

тиёзли давр билан 7 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратилиши соҳа ходимларини руҳлантираганига шубҳа йўқ.

Дилафрўз АЗАМАНОВА,

Юқори Чирчиқ туманидаги
12-мактаб ўқитувчиси:

– Яқинда ўқитувчиларнинг аънавий шўба йиғилиши бўлиб

ўтди. Йиғилиш аввалги йилдаги анжуманлардан тубдан фарқ қилган. Президентимиз қабул қилган қарордан руҳланган ўқитувчи-мураббийлар энди ишлайдиган замон келганидан, таълим сифатини яхшилаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан нисбатда хурсандлар. "Ўқитувчининг жамиятдаги нуфузи: кеча ва бугун..." мавзуси муҳокама марказида бўлди. Президент қарорига асосан, халқ таълими муассасалари фаолиятини қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган асосларга, ўрнатилган тартибга риоя этмаган ҳолда текширишга йўл қўйилмаслиги барча ўқитувчиларни қувонтирди.

Кейинги пайтда текширувчилар томонидан дарсни бузиш, синфхоналарга кириб, халақит бериш ҳолатлари авж олган эди. Ўқитувчи мавзуси жон куйдириб тушунтириётган, ўқувчи эса уни ўзлаштириш учун бутун вужуди билан берилиб тинглаётган пайтда текширувчи кириб келиб, синфхонасининг ҳолати, дарсда қим қатнашмаётгани билан қизиқса, боз устига, ўқувчиларга чигал, муаммоли саволлар бериб, уларни чалғитса, ўқув самарадорлиги ҳақида гап бўлиши мумкинми? Текширувчилар келадиган-кетадиган, ҳали воёга етмаган болалар эса бундан турли даражада руҳий зуриқиш олади.

Дарс – муқаддас. Албатта, бу жуда кенг маъноли тушунча. Бунинг ҳар бир ўқитувчи, ота-она, кенг жамоатчилик тўлақонли тушуниш ва унинг залворини, юки нисбатда улуғлигини юракдан ҳис этса, қўзлаган мақсадимизга, албатта, етамиз. Зотан, ёшлар таълим-тарбияси тараққиётнинг асл пойдеворидир.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Аллома АЗИЗОВА
ёзиб олди

ЯГОНА МАКТАБ ФОРМАЛАРИ таълим-тарбиянинг муҳим жиҳати

Давлатимиз раҳбари томонидан ўқувчилар ўртасида ижтимоий тенгликни мустаҳкамлаш ва уларнинг сифатли таълим-тарбия олишлари учун шароит яратиш мақсадида ягона мактаб формасини жорий этиш тақдир қилинган эди. Шунга биноан, жорий йил 15 август кунини Вазирилар Маҳкамасининг "Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ҳужжатга мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари замонавий ягона мактаб формаси 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ижтимоий, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб эса мажбурий этиб белгиланди.

маҳаллий, табиий газмол ва фурнитуралардан фойдаланилган.

Ягона мактаб формасини кийишнинг бир неча талаблари ҳам мавжуд. Улар қуйидагилар:

- кийимларнинг ўта тор ёки ўта кенг бичимда бўлмаслиги;
- қизлар учун юбканинг узунлиги тиззадан 5-15 см. пастда бўлиши;
- ўғил болалар учун шимнинг узунлиги оёқ тўлиғидан пастда бўлиши;
- оёқ кийимлар пошнасининг 3 сантиметрдан баланд бўлмаслиги;
- кийимнинг энг юқоридаги қисмда битта тугмасидан ташқари бошқа тугмаларнинг қадалган бўлиши;
- кийимларнинг тоза ва дазмолланган бўлиши.

Об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, ўқувчилар мактаб формасининг нимча ёки костюмининг, кўйлакнинг энг узун ёки калта шаклини ижтимоий равишда кийишлари мумкин. Бундан ташқари, қиш фаслида ўқувчи-қизларга ягона мактаб формасига мос шим кийишга рухсат берилди. Ўқувчилар таълим муассасаси биноси ичидан бош кийимсиз юришлари лозим, аммо, ўтказилган турли тадбирлар жараёни бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари билан иборатлиги ҳамда мажбурий умумий ўрта таълим дунёвий характерга эгалиги муносабати билан ўқувчиларнинг мактаб формасига турли дин ва конфессиялар ҳамда субмаданиятларга мансубликни акс эттирувчи элементларни

(ҳижоб, кппа, кашая, хоч ва бошқалар) қўйишга йўл қўйилмайд.

Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ягона мактаб формасининг шакллари хусусий мактаблар, их-



тисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари, мактаб-интернатлар, ихтисослаштирилган олимпиада захиралари мактаблари ва мактаб-интернатлари учун таъкид этилмади.

Ўқувчилар томонидан ягона мактаб формасини кийиш тартибига риоя қилмаслик таълим муассасасининг ички тартиб-

қоидаларини бузиш деб баҳоланади ва бундай ўқувчиларга қуйидаги чоралар қўлланиши мумкин:

- огоҳлантириш;
- қўндалик дафтарига қайт этиш;
- тушунтириш ишларини олиб бориш учун ота-онасини хабардор қилиш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим муассасасидаги йиғилишларда ота-оналар иштирокида муҳокама қилиш.

Энг муҳими, ўқувчиларнинг таълим муассасасига мактаб формасида келишларини таъминлаш учун ота-оналар маъсулдор. Таълим муассасасида эса бунинг мактаб раҳбарияти, синф раҳбарлари, ёшлар етакчиси ва педагог-ҳодимлар назорат қилишади.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Эрали НОРОБЕКОВ
тайёрлади

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Қибрай туманида ишлаб чиқарилаётган "Sky Beauty" бренди остидаги косметика маҳсулотлари аллақачон жаҳон бозоридан ҳам ўз харадорларини топган.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Фаолият бошлаганига кўп бўлмаган корхонада ишлаб чиқарилаётган 10 дан зиёд турдаги пардоз ва гигиеник воситалар МДХ давлатларига экспорт қилинади. Шунингдек, ички бозорларда ҳам уларга бўлган талаб кун сайин ортмоқда. Корхонада 20 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётди.



Маҳсулотларимиз, аввало, табиий экстрактларга бойлиги билан бошқа косметика воситаларидан фарқ қилади, – дейди корхона раҳбари Назоқат Абдуллаева. – Улар инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча, соҳ ва терини тўйинтириб, озиқлантиради. Аслида, тайёрлашни жараёни ҳам ўзига хос бўлиб, керакли моддалар аралаштирилгандан кейин соғуқ ҳолда 3-5 кун давомида сақланади. Бунда маҳсулот ўз хусусиятини йўқотмайди.

Айтиш керакки, "Sky Beauty" маҳсулотлари билан савдо қилувчи 3 та дўкон фаолият юритмоқда. Яқин кунларда эса, яна 2 та шундай савдо шахобчалари ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Ирода НОРОБЕКОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Р. ГАЛИЕВ олган сурат

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Ангрен шаҳрида профилактика инспекторларининг хизмат ва ижро интизомига риоя этиш ҳолати, улар томонидан хизмат даврида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мулоқот

Йиғилишда профилактика инспекторлари фаолияти танқидий таҳлил этилиб, улар томонидан маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хизмат ва ижро интизомига риоя этиш бўйича йўл қўйилган хато ва камчиликлар муҳокама қилинди.

Профилактика инспектори нафақат ўз ҳудудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши, балки ҳуқуқий жиҳатдан шу ҳудудда бошқаларга ибрат бўлиб, тўғри йўл кўрсатиши лозим, – дейди Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари М. Фафоров. – Афсуски, айрим профилактика инспекторларимиз фаолияти-

да ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ хато ва камчиликлар кўзатилиб турибди.

Муҳокама йиғилишида барқарор тинчлигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ҳақида фелр юритилиб, бу борада белгиланган вазифалар ҳар бир профилактика инспекторининг қўндалик қоида-қоидаларига риоя қилиниши лозимлиги таъкидланди.

Вилоятнинг Нурафшон шаҳри ва Ўрта Чирчиқ туманида ҳам худди шундай муҳокама йиғилишлари бўлиб ўтди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

Пискент тумани агросаноат ва иқтисодий касб-ҳунар коллежидан фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашида фаолият юритаётган ходимларнинг билим-тажрибаси ва малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинар

Семинарда кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ташкил этиш, агротуризмни ривожлантириш ва томорқа ер эгаларига имтиёзли кредитлар бериш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, томорқа ерларидан унумли фойдаланиш ва рақобатбардор маҳсулотларни қўлайлаштириш мақсадида ташкил этилган "Томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамиятларининг фаолияти ҳам таҳлил қилинди.

Бугун биз фаолиятимизнинг самарали бўлишида нималарга кўпроқ аҳамият беришимиз кераклигини тушуниб олдик, – дейди Ёўқа тумани фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раҳбари Комилжон Бойқўзиев. – Айниқса, ҳуқуқий масалаларда маърузаларда ўзимизнинг қонуний манфаатларимиз ҳақида янада

МАСЪУЛИЯТ ВА ДАҲЛДОРЛИК САБОҚЛАРИ



тўлиқ маълумотларга эга бўлди. Уч кун давом этган семинар машғулотларини Тошкент давлат аграр университети таълим профессори ва ўқитувчилари, республика кенгашининг малакали мутахассислари ҳамда вилоят божхона қўмитаси, адлия ва солиқ божхонаси мутахассислари олиб боришди. Шунингдек, тижорат банкларининг кредит филиаллари раҳбар ҳамда вилоят бўлими бошлиқларининг томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича маърузалари тингланди.

– Соҳадаги энг муҳим янгиликлардан бири – кенгашлар қошида



"Бухгалтерия марказлари" ташкил этилганлиги бўлди, – дейди фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят кенгаши раҳбари ўринбосари Зоир Эшнаев. – Эндиликда 20 та фермер учун битта бухгалтер бириктирилди. У солиқ статистикаси ва фермер ҳўжалигининг банкдаги айланма пуллари ҳамда бошқа ҳисоб-китобларни юритиш билан шуғулланади. Семинар якунида қатнашчиларга сертификатлар топширилди. Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Асрор Бойқороев сўзга чиқди.

Зухриддин ҚАМБАРОВ

Бу эса очиқлик ва ошқоралик принциплари таъминланаётганини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектларининг, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари кафолати мазкур фармон билан яна бир бор оширилганлигини кўриш мумкин. Сабаби, авваллари мазкур қарорларни қабул қилиш жараёнидан тадбиркорлар беҳабар қилиб, инвесторларнинг ўзигагина аён бўлган ҳолатлар инобатга олинмай келган. Кўп ҳолларда ёпиқ эшиклар ортида қабул қилинган бу турдаги қарорлар дабдурустдан тадбиркорга етказилган ва унинг тегишли чоралар қўриши учун вақт еттишмаган. Натижада, бизнесига турли даражадаги зарар етган. Бундан кейин эса инвесторнинг бу борадаги ҳар бир нуқтаи назари, фикрлари эшитилиб, ундан кейингина адолатли қарор қабул қилиниши учун замин яратилди.

Шунингдек, ўзга мамлакат ҳудудида киритилган инвестицияни бошқариш, иш фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида чет эллик инвесторларнинг мамлакатимиз ҳудудида эркин кириб-чиқишлари борасидаги ҳуқуқларининг таъминлангани муҳим аҳамият касб этади. Чет эл мутахассисларини ишга олиш ҳуқуқи ва, албатта, инвестицияни бошқариш, самарали татбиқ этиш учун лозим бўлган ишчиларнинг мамлакат ҳудудида кириб-чиқишлари эса яна бир эътиборли жиҳатдир. Фармон билан инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 8 минг 500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, хорижий корхона ташкил этиш шаклида юртимизга инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратида текланмаган миқдорда узайтириш ҳуқуқи берилмоқда.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизга чет эл инвестицияларининг оқими ортишига шубҳа йўқ. Албатта, чет эл мутахассислари билан юртимиздаги Вестминстер, Сингапур, Инха университетлари каби хорижий олийгоҳлар филиалларини таъминлаган кадрларимиз ҳам рақобатлаша олади.

Бир сўз билан айтганда, фармоннинг самарали татбиқ этилиши давлат томонидан у ёки бу ҳуқуқий нормалар қабул қилиниши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш учун кафолатдир.

Қулай инвестициявий муҳит шаклланиши натижасида Ўзбекистон ўзини янада ишончли ҳамкор сифатида намоён этади.

Элдор ТУЛЯКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
Бюджет ва иқтисодий
ислохотлар қўмитаси
аъзоси

Бу – Чирчиқдаги "Миллий хунармандчилик устахонаси" хусусий фирмаси раҳбари Тоҳир Асқаровнинг ҳикояси. Мана, ҳозир унинг кўрағига шамол теккан. Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда миллий ўзликини англаш, қадриятларимизни сақлаш, аждодлар меросини асраб-авайлашга бўлган эътибор кучайди. Натижада, бошқа соҳалар сингари миллий хунармандчилик ҳам жадал ривожланиб, янада сайқал топти, мазмунан бойиди. Иқтисодиётимизнинг энг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Ҳозирда республикаимизнинг ҳар бир ҳудудиде мазкур соҳа эгалари ўзлари ясаган бежирим буюмларни, нақшкор маҳсулотлари билан савдо расталари ва гузарларни безашаётди.

Вилоятимизда ҳам сўнгги йилларда хунармандчиликка эътибор ва рағбат сезиларли даражада кучайди. Ҳар бир хунарманд ишида ўзига хослик, янгилик ва бетакрорликни кўриш мумкин. Хунармандларимиз ички ва ташқи бозорга харидорлар маҳсулотларига қараб бериш билан бир қаторда, аҳоли фаровонлигини ошириш, ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга ҳам беқисс ҳисса қўшишмоқда.

Қайд этиш зарурки, Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

– Бир ўйлаб кўринг-а, ўз қўлларингиз билан яратган маҳсулотингизни ўзингиз сотолмасангиз, эгаллик қилолмасангиз. Ҳозир тасаввур қилоласизми шундай замонни, – дейди хунарманд Т. Асқаров. – Ишонаверинг, мустақиллик

лубда 100 дан ортиқ турли хил нақшли карниз, қандил, панжара, ҳайкалча, колонна, замонавий 3D панель ва шифт ҳамда деворбоп безаклар, устунли элементлар ясади. Унинг моҳир қўллари яратган буюмлар республикаимизнинг кўплаб ҳудудлари, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Сир-

қошлик ё ганчкорлик бўлади, хорижликларнинг қизиқиши жуда катта. Айниқса, Европа давлатлари маҳсулотимизга роса ишқибоз. Қойил қолишди. Агар эътибор берган бўлсангиз, сўнгги пайтларда ганч ўймакорлик буюмларининг пўкадан ясалган нусхаси пайдо бўлди. Айрим-лар уйини, идорасини безаш-

нақшкор ганчлар эса 70-80 йил хизмат қилиши мумкин экан. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳақиқий санъат ҳеч қачон ўлмайди. Буни яхши англаган Тоҳир ака 30 йилдирки, касбини улуғлаб, ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Қанчадан-қанча шогирдлар тарбиялаб, уларни ҳам мустақил фаолият бошлашларига қўмаклашди. Ҳаттоки, унинг шогирдларидан 15 нафари чет элга, Қозғистон, Қирғизистон, Россия, Озарбайжон каби давлатларга бориб, миллий санъатимизни кенг ёйишмоқда.

– Келганимга эндигина бир йил бўлди, – дейди шогирд Закариё Солиқонов. – Устозимдан кўп нарсаларни ўргандим. Мен ҳам келажакда етук хунарманд, ўз ишининг чинакам устаси бўлишни ният қилганман.

– Тоҳир ака шахримизнинг энг фаол хунармандларидан, дейди "Хунарманд" уюшмаси Чирчиқ шаҳар бўлими бошлиғи Зилола Қайумхўжаева. – Шу кунгача бир қатор ютуқларни қўлга киритиб келаяптилар. Хусусан, ўтган йили "Ташаббус" кўрик-танловида 2-ўринга сазовор бўлдилар. Тажрибаларини ҳисобга олиб, хунармандлар бадий кенгаши раиси этиб сайлаганимиз.

Устанинг айтишича, пўкадан ишланган бу каби буюмлар камрок, гипсдан қилинган да ҳам арзон, ҳам қулай, деб шундан фойдаланишарди. Кўпчилик: "Энди ганчкорларга иш қолмади", деб ўйлади. Ўй, биз улардан кўрқамиз. Чунки, ҳаммаша санъат билан санъатнинг фарқи бўлади...

Устанинг айтишича, пўкадан ишланган бу каби буюмлар камрок, гипсдан қилинган

Исми жисмига монанд ўғиллар ота касбини улуғлаб, "Бекобод-цемент" корхонасида ҳалол меҳнат қилиб келаятганлардан. Зиё ота кенжа ўғли уч-тўрт йил сартарошхонада ишлаб юрган пайтлари юрагининг бир четида бешинчи ўғлининг ҳам кун келиб, жонажон корхонаси – "Бекободцемент"да ишлашига ишонган эди. Шундай бўлди ҳам. Ҳарбий хизматдан қай-

сиб аъзоси, корхонанинг фидойи ишчиси сифатида ўзига бўлган ишончини орттирди. Ушанда биринчилардан бўлиб, отаси, устози Зиё ота бағрига босиб қўлаган, акалари ҳам муносиб издошлари билан фахрланишган эди.

Орадан кўп ўтмай, бекободлик ишчилар сулоласини яна бир хушхабар бениҳоя қувонтирди. Ўзбекистон Республикаси Прези-

ЗИЁ ОТАНИНГ ШУҲРАТИ

Бекободлик меҳнат фахрийси Зиё ота Мусаев бу йил саксон биринчи баҳорини қаршилади. Агар шу баҳорларнинг барчасини киндик қони тўкилган она замини, Бекободда кутиб олган десак, ишонаверинг. Бир жойда туп қўйиб, палак ёйган, томирлари Ватан тупроғи билан туташиб кетган пири бадавлат инсон учун бундан ортқ бахт йўқ, аслида. Бу шундай томирларки, улардан Фозилу Шукур, Солиқ Шокир, Хабибахон Ҳалимаҳон ва ниҳоят, Шухратбекдек мард ўғлонлар, оқило меҳрибон қизлар етишиб чиққан.

Мукофот муборақ!

тгач, Шухратнинг ҳам хаёлидан шу фикр кетмай қолди. Ниҳоят, 1993 йилдан у ҳам "Бекободцемент"нинг клинker куйдириш цехида иш бошлади.

Шундай қилиб, тўрт машинист, бир чилангар ўғилларининг ҳаёт йўлини меҳнатсеварлик, одабийлик фазилатлари билан ёритган ота қалби ўғил-қизидан кўнгли тўлиб, фахру ифтихор туйғуларидан сарафроз бўлди. Кенжа ўғил эса отаси, акалари касбини танлаб, адашмаганини тушунди.

"Меҳнат қилган элда азиз", деганлари айни ҳақиқат. Ҳозирги кунда хорижий мамлакатларда ҳам харидорларнинг маҳсулотини учун қўлланиладиган клинker хом ашёси айнан Шухрат Мусаев ишлайдиган цехда тайёрланади. Цехдаги диаметри 4 метр, узунлиги 140 метрли икита, шунингдек, диаметри 3,6х4 метр, узунлиги 150 метрли айланма печни бошқариш ишчилардан ўта синчковлик, зийракликни талаб этади. Шухрат шундай масъулиятли ишни оқори савияда урдалаётган машинистлардан.

Унинг фидокорона меҳнатлари корхона томонидан ҳаммаша муносиб рағбатлантирилиши ўз касбига бўлган меҳрини, масъулиятини янада кучайтирди. Айниқса, давлатимиз томонидан 2016 йилда берилган "Ўзбекистон мустақиллиги 25 йил" кўрак нишони жамиятнинг муно-

дентининг Қурилиш соҳаси ходимлари кўни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлашга доир фармонига мувофиқ, Шухрат Мусаев "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Бу хабар Шухратнинг ўғиллари, "Ўзметкомбинат" ишчиси Фарҳоджон, тадбиркор Ёқубжон, 3-умумтаълим мактаби ўқувчиси Баҳодир учун ҳам катта воқеа бўлди.

– Бу хушхабар, энг аввало, ота-онам, ака-укаларим, қолаверса, оиламни беҳад қувонтирди, – дейди қаҳрамонимиз. – Айниқса, "Яша, ота ўғил", дея бағрига босган падари бузрукворимнинг қувонч ёшларини ҳеч қачон унутмайман. Ишчилар сулоласининг муносиб вақили, давомчиси эканим билан беҳад фахрланаман. Кенжагина шахримизга ташриф буюриб, бекободликларга жуда катта эътибор, меҳр-оқибат кўрсатган, биз ишчиларга юксак ишонч билдирган Ўртбошимизнинг эзгулиги йўлидаги сай-ҳаракатлари-га қамарбастамиз. Мухтарам Президентимиз билан бўлган учрашув, самимий мулоқотда иштирок этар эканман, кўнглимдан ўтганлари шу бўлди: "Мустақил юртим, янгиланаётган Ўзбекистон – менинг Ватаним. Унинг ривожига ҳисса қўшиш муқаддас бурчимдир."

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

МАҲАЛЛА НИМА ДЕЙДИ?

Бу гап замирида, аввало, ор-номус, шарм-ҳаё, андиша ётади. Маҳаллада содир бўлган биргина ноҳўя хатти-ҳаракат ўша жойнинг ўзида яхшигина акс-садо беради. Шу маънода, жиноят муҳокамаларининг айнан маҳаллаларда ўтказилишининг аҳамияти катта.

Жиноят ҳақиқати ва адолат

Нурафшон шаҳар "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғинида содир бўлган жиноят ҳам бир зумда чор тарафга тарқалди. Маълум бўлишича, маҳаллада яшовчи Ҳошим Тўраев (маҳаллада келтирилган исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг хонадонида турмуш ўртоғи Мавжуда Раҳмонова, унинг танишлари Дилсора Аҳмедова, Исомжон Салимов зиёфат дастурхони атрофида йиғилишди. Зиёфат авжига чиққан паллада Ҳошим хонадонга кириб келади. Шундан кейин кетма-кет қадаҳлар бўшатилди.

ИИБ бошлиғи, подполковник Икромжон Шоакбаров. – Тўғри-да, кичик бир дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтирган мезбон меҳмонларнинг арзимаган гап-сўзи деб қўлини пичоққа югуртириши ҳеч бир ақлга сиймайди, шундай эмасми?! Жиноят сабабларини обдон суриштириб ўргандик. Яқинда чиқарган ҳулосамизга кўра, йиғилганларнинг ахлоқсизлиги тўғрисида жиноят содир бўлган. Яхшиямки, шифокорлар ўз вақтида этиб боришган, бўлмаса бир инсон ҳаётдан кўз юмган бўлар эди...



Қайфи олган меҳмон Исомжон хотини билан арзимас гап устида тортишиб қолади. Жаҳлга эрк берган эр аёлига бир шапалоқ тушириб қолади. Турган гапки, бу вақтда кўтарилган шовқин-сурон Ҳошимга ёқмайди. Уларни тинчлантиришга ҳаракат қилади. Маст аҳволдаги эр унга аёлим билан ўртаимиздаги масалани аралашма, дейди. Иккилабни қолган меҳмонга мезбоннинг "Мен олиб келган нарсалардан жингинга еб ўтиргин", деган гапи оғир ботиб кетди. Қарасаки, мезбонга кучи етмайди. Шунда у ошхона пичоғини олиб, Исомжон Салимовнинг чап кўрағи ва чап елкасига санчиб, тан жароҳати етказди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Нурафшон шаҳар ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан иш қўзғатилган...

Яқинда "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғинида мазкур жиноятнинг сабабларини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокимлиги ва ички ишлар бўлими ходимлари, адлия бўлими раҳбари, маҳалла раиси ҳамда фаоллари иштирок этди. Содиқ этилган жиноят маҳалла фаоллари, шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари ва ички ишлар ходимлари билан биргаликда таҳлил этилди.

– Бир қарашда оддийгина зиёфат сабаб жиноят содир бўлмагандир, деб ўйлашсан-киши, – дейди Нурафшон шаҳар

– Бугунги тадбирда ушбу ҳолатнинг сабабларини атрофлича таҳлил қилиб олдик, – дейди Нурафшон шаҳар ҳокими ўринбосари Муроджон Носиров. – Бундан буён шу ҳудудда жиноятларнинг олдини олиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ҳам белгиланди. Эндиликда маҳаллада жиноятга мойил, ахлоқи оғир шахсларнинг кўчасини ички ишлар ходимлари жамоатчилиги билан биргаликда назорат қилади. Кимлар келаяпти, нима мақсадда одамлар тўпла-нишаётганини суриштириб турамиз.

– Аслида ҳаммаси таълим-тарбияга бориб тақалади, – дейди "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Файзуллаева. – Лекин, бугунги кунда ён-атрофимиздаги ҳодисаларга бефарқ бўлмаслигимиз керак. Маҳаллада шубҳали шахслар пайдо бўлса, ёки кимнингдир хонадонида шовқин-сурон кўтарилса, дарҳол қўни-қўшни сифатида бундан хабар олишимиз керак. Бугунги мажлисимиздан шу нарсга аён бўлдики, бефарқлик ниҳоятда оғир оқибатларга олиб келар экан. Шунинг учун, маҳалла фаолларига оғоҳликни янада кучайтиришимиз зарурлигини, жиноятчиликка қарши ҳаммаша муросясиз кураш олиб боришимиз лозимлигини ҳаётий мисоллар билан тушунтириб беришга ҳаракат қилдик.

Ўз мухбири
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

Саломат бўлинг


Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жойларда эпидемиологик вазият барқарорлигини таъминлаш, шаҳар ва туманлар ҳудудларидаги бозорлар, савдо ва умумий овқатланиш шаҳобчаларида санитария-гигиена талабларига риоя қилиниши устидан изчил назоратни кучайтириш йўналишидаги сай-ҳаракатлар шулар жумласидандир.

ДАВОЛАШДАН КЎРА ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Яқинда Нурафшон шаҳрида марказ томонидан юқумли касалликларга қарши курашиш соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотлар олиб бораётган ишларни мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш масаласига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини мавофиқлаштириш кенгаши, вилоят сув ҳўжалиги, халқ таълими бошқармалари, саломатлик маркази ҳамда ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган анжуманда юқумли касалликлар, хусусан, безгакка қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳусусида сўз борди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда безгакнинг элиминациясига эришилди, яъни касаллиқнинг маҳаллий ҳолат-



лари бутунлай бартараф қилинди. Бутун мамлакат миқёсида муҳофазалаш ва эпидемияга қарши тадбирлар мажмуасининг ўз вақтида ўтказилиши тўғрисида эпидемиологик вазият қатъий назоратга олинган.

– Вилоятимизда бу хасталик охириги марта 2008 йилда қайд этилган, – дейди вилоят ДСЭНМ врач паразитологи Зарҳол Шамиева. – Айни пайтда вазият барқарорлиги қувонарли, бироқ бу хотир-жамлика берилишга асос бўлолмайди. Шу маънода аҳолининг, айниқса, ёшларининг соғлом турмуш тар-

зи, озодаликка риоя қилишлари борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмаслигимиз керак. Бугунги давра суҳбати ҳам, ўйлашгани, фойдали мулоқотларга бой бўлди.

Давра суҳбатида ҳамкор ташкилотлар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида муҳим тушунча ва тавсиялар берилди.

Мавзу юзасидан тушган саволларга мутахассислар атрафлича жавоб қайтаришди.

Ўз мухбири
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

Реклама ва эълонлар

ЛОЙИҲАЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИККАТИГА!

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Чилонзор филиали таркибида "Банк хизматлари маркази" очилиши муносабати билан капитал таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи, махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади!

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олишнинг мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц-мавзе, Меҳр кўчаси. Телефон: (371) 276-86-55.

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

Янгийўл тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 2016 йил 29 июнда 4998-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "JAVONIR KON" масъулияти чекланган жамияти ўз устав жамғармаси 2 352 000 000 (икки миллиард уч юз эллик икки миллион) сўмдан 1 612 576 599,54 (бир миллиард олти юз ўн икки миллион беш юз етмиш олти минг беш юз тўқсон тўққиз сўм 54 тийин)га қамалишини маълум қилади.

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ 2018 йил июль-август ойларида ўтказилган очик аукцион савдолари натижаларини маълум қилади!

- Кибрай тумани, "Кибрай ОАЗИС" СИУ ҳудуди "QIBRAY-ERGASHEV DIYOR" ф/х.га тегишли жами 2,39 Га., шундан, 1,48 Га. ер майдонида жойлашган 416 туп узум қўчатларидан иборат "Ўзумзор", бошланғич баҳоси – 20 422 000 сўм. Сотилиш баҳоси – 21 652 000 сўм;
- Тошкент тумани "Тош-Тўлабий" ва "Ғиштқўприк агро" агрофирмаси ҳудудлари "ZANGIOTA FRUITS AGRO GOLD" МЧЖдан захирага олинган, 1-лойиҳа 294, 295, 409, 410, 411-контурлардаги жами 5,16 Га., шундан, 4,8 Га. "Богзор", бошланғич баҳоси – 12 594 747 сўм. Сотилиш баҳоси – 16 380 000 сўм;
- Тошкент тумани "Тош-Тўлабий" ва "Ғиштқўприк агро" агрофирмаси ҳудудлари "ZANGIOTA FRUITS AGRO GOLD" МЧЖдан захирага олинган 2-лойиҳа 412, 413 контурлардаги жами 2,87 Га., шундан, 2,58 Га. ер майдонидаги "Богзор", бошланғич баҳоси – 10 036 258 сўм. Сотилиш баҳоси – 13 000 000 сўм;
- Тошкент тумани "Тош-Тўлабий" ва "Ғиштқўприк агро" агрофирмаси ҳудудлари "ZANGIOTA FRUITS AGRO GOLD" МЧЖдан захирага олинган 3-лойиҳа 498к, 489-контурлардаги жами 4,47 Га., шундан, 4,2 Га. "Богзор", бошланғич баҳоси – 9 475 956 сўм. Сотилиш баҳоси – 13 300 000 сўм;
- Тошкент тумани "Тош-Тўлабий" ва "Ғиштқўприк агро" агрофирмаси ҳудудлари "ZANGIOTA FRUITS AGRO GOLD" МЧЖдан захирага олинган 4-лойиҳа 492, 493, 494-контурлардаги жами 4,07 Га., шундан, 2,88

- Га. "Богзор", бошланғич баҳоси – 9 475 956 сўм. Сотилиш баҳоси – 13 300 000 сўм;
- Тошкент тумани "Тош-Тўлабий" ва "Ғиштқўприк агро" агрофирмаси ҳудудлари "ZANGIOTA FRUITS AGRO GOLD" МЧЖдан захирага олинган 5-лойиҳа 495-контурдаги жами 3,86 Га., шундан, 3,68 Га. ер майдонидаги "Богзор", бошланғич баҳоси – 362 702 сўм. Сотилиш баҳоси – 550 000 сўм;
- Тошкент тумани "Тош-Тўлабий" ва "Ғиштқўприк агро" агрофирмаси ҳудудлари "ZANGIOTA FRUITS AGRO GOLD" МЧЖдан захирага олинган 6-лойиҳа 496-контурдаги жами 3,78 Га., шундан, 3,45 Га. ер майдонидаги "Богзор", бошланғич баҳоси – 8 363 066 сўм. Сотилиш баҳоси – 11 900 000 сўм;
- "YANGI ANGREN IES" АЖ балансидаги Тошкент вилояти, Охангарон тумани, "Ёнарлик" МФЙ манзилида жойлашган 0021-литердаги ташқи майдони 1200,00 кв.м., 0022-литердаги ташқи майдони 750,00 кв.м. бўлган "Қурилиш ашёларини сақлаш омбори ва айвон", бошланғич баҳоси – 594 700 000 сўм. Сотилиш баҳоси – 612 541 000 сўм;
- "YANGI ANGREN IES" АЖ балансидаги Тошкент вилояти, Охангарон тумани, "Ёнарлик" МФЙ манзилида жойлашган 0023-литердаги ташқи майдони 1017,61 кв.м. бўлган "Меҳаника-чилангарлик таъмирлаш устахонаси ва омборхона", бошланғич баҳоси – 319 363 000 сўм. Сотилиш баҳоси – 328 982 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган РР – № 0008.

Умар ота олти ёшга тўлганида уруш бошланиб, қишлоқ ҳувиллаб қолгани, ҳўжалик ишлари кексалар, хотин-қизлар ва болалар зиммасига оғир юк бўлиб тушгани ҳақида сўзлайди. Қорни нонга тўйиб-тўймай, эрта сахардан худди катталардек далага чиқиб, кўрсатган ёрдамларини, болалик даврининг машаққат билан ўтганини маъюслик билан хотирсизда жонлан-тиради. Ўн бир ёшли бола отасининг ёнига кириб, кўш ҳайдаб, ер ағдариб, бўғдой экиб, унга қанот бўлди. Ёшликдаги машаққатли меҳнатлари ортидан ерни ардоқлашни, ундан зар ундиришни ўрганиб, тажрибаси ортиб борди.

Умар Йўлдошев талабалик пайтларида ҳам фақат билим олиш билан чегараланиб қолмади. Қишлоқ ҳўжалиги институтининг мева ва зироатчилик йўналишида таҳсил олаётган йигит учинчи босқични тугатиб, таътил даврида Қозоғистоннинг Остона шаҳрида уч ой ишлаб, тажриба алмашиб, малакасини ошириб қайтди. Амалиётини эса Р. Шредер номлидаги бождорчилик илмий-техник институтида ўтказди ва ушбу даргоҳда Шароф Рашидов билан танишиб, у кишидан фойдаланиб маслаҳатлар олди.

— 1968 йил 2100 гектар ерга жалла экдик, — дейди отахон. — Ўша йили куз жуда кўнгилдаги-

дек келди. Қишлоқ аҳли даладашдаги юмушларини бажариб, хотиржам тин олди. Декабрь ойининг ўрталарида раҳматли Тоживой ота Ризаев кўнгли хона-


маган, кирмаган идораси қолмади. Райкомдагилар: "Иложини топасан, қандай бўлмасин бугун режасини бажарасан", дейди. Узоқ тортишувлардан сўнг

келтирди, тоқларни совуқ уриб кетди, — дейди Умар ота. — Ўшанда юқори ташкилотлардан тоқларни бутунлай олиб ташлаш ҳақида кўрсатма келди. Мен, аввало, тажрибамга таянган ҳолда, қолаверса, агроном сифатида тоқларни олиб ташлашга қарши чиқдим. Чунки, тоқ новдаларини бутунлай совуқ урса ҳам, ўша жойдан 15-20 кун орасида янги новда чиқишини билардим. Аммо, узумнинг ҳўраки турида ҳосил бўлмайди, винобоп турларидан бир-ярим узум бўлишини тажрибам давомиди кўрган эдим. Ана шундай фикр-

дойзори узумзорда ўтган Умар ота Йўлдошевнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ўз мактаби бор. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мулкдорлар, ер эгалари, фермерлар сафи ортиб борди. Лекин, билими бўлса-да, тажрибаси етарли бўлмаган ёш фермерлар кўп, улар отахоннинг ҳаёт мактабидан сабоқ олсалар, айни муддао бўларди. Биз Умар ота ҳақидаги мақоламизда фақат у кишини мактаб, кўкларга кўтаришни эмас, уларнинг босиб ўтган умр йўлларини, машаққатли меҳнатини, яратиб қўйган божларини бугунги ёшларга ибрат

Ибрат

Худойим бандасига узоқ умр, сиҳат-саломатлик берса, кексайганда ҳам худди ёшлардек куч-ғайратга тўлиб юрар экан. Биз бунга зарқентлик қўли гул бобгон Умар ота Йўлдошев тимсолида кўрдик. Саксон уч ёшли отахоннинг кўриниши тетик, суҳбати маънили. Қишлоқ ҳўжалик соҳасида бой тажрибага эга эканлигини сўзларидан ҳам, яратиб қўйган божларидан ҳам билса бўлади. Шу ёшида ҳам отахоннинг шижоатиға ҳавас қиласиз: суяги меҳнатда қотган, тажрибаси етарли. Бир сўз билан айтганда, бутун умри ер билан "тиллашиб", ундан зар ундириб ўтди.



тиржамлиги билан обкомнинг руҳсатини олиб, саломатлигини тиклаш учун касалхонага ётди. "Мен келгунимча колхоз сенга омонат", дея баъзи топшириқларини берди...

Умар ота раиснинг топшириқларини аъло даражада бажарди. Қўнлар совиб, қиш қишлигини қила бошлади. 27 декабрь кўни об-ҳаво бирдан ёмонлашиб, ҳарорат 35 даражага тушиб, экилган бўғдойларнинг барини совуқ уриб кетди. Ям-яшил дала бир кечада шип-шийдон бўлди-қолди. Умар Йўлдошевнинг бор-

ЯХШИЛАРНИНГ БОҒИ АЗИЗ

юқори ташкилотларнинг буйруғи билан эрта баҳорда қайта экиш учун қарзга 270 тонна жалла беришди. 1969 йилнинг 10 февралдан қўнлар олиб, об-ҳаво мўътадиллашиб бориши ҳамонқоқ далаларда тозалаш ишлари бошланиб кетди. 20 февралдан 20 мартгача совуқ урган жалла майдонларига қайтадан бўғдой уруғи қадалди. Яратганнинг марҳамати, меҳнаткаш халқнинг заҳмати, раис ва агрономнинг саъй-ҳаракати билан яна хирмонлар бўғдойга тўлди.

— Худди шундай ҳолат 1987 йилда ҳам такрорланди, май ойида об-ҳавонинг совиб кетиши нафақат бизнинг қишлоғимиз, балки вилоят миқёсида қишлоқ ҳўжалигига катта зиён

мулоҳазаларимни раисга ҳам, юқори ташкилотдагиларга ҳам билдирдим. Улар қарши чиқиб: "Бутун масъулиятни бўйнингга олсан", дейишди. Мен рози бўлдим. Энг муҳими, узумзорларни сақлаб қолдик. Мақсадимиз халқимизнинг фаровон яшаши эди-да...

Шундай қилиб, Умар отанинг тажрибаси вилоятда оммалаштирилди. Ўша йили Ялтада бўлиб ўтган қишлоқ ҳўжалиги симпозиумида қатнашган У. Йўлдошев узумчилик йўналишида ҳам тажриба алмашиб, ҳам маҳоратини ошириб қайтди. Одамда ғайрат, шижоат, касбиға муҳаббат бўлса, ўша жойни гулистонга айлантиради, дейишди. Бутун умри далада, бўғ-

қилиб кўрсатмоқчимиз, холос. Қолаверса, меҳнат қилган одам унинг ҳузурини кўради, демоқчимиз.

Бугун фазли нуронийга айланган отахон аёли Умри ая билан қўша қариб яшашмоқда. Улар 60 йил бахтли-саодатли ҳаёт кечириб, саккиз нафар ўғил-қизлари ортидан қирқдан зиёд набира ва эвараларнинг ардоғида эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Пири бадавлат оила соҳиблари, фазлиб инсонлар билан яқиндан суҳбат қилиб, уларнинг ҳаёт йўлларига ҳам, мазмунли турмушларига ҳам ҳавас қилдик.

Дилфуза МИРОБИДОВА,
Паркент тумани

КАВАРДОНЛИК КЕЛИНЧАКЛАР ОРЗУСИ

Болалар боғчаси... Кичкинтойлар учун ором маскани, таълим-тарбия ўчоғи. Оналарнинг хотиржамлигини таъминловчи бўла. Боғчага бораган болада ўқиш, ёзиш, чизишнинг дастлабки кўникмалари ҳосил бўлади, жамиятга мослашувчанлик ортади. Боғчага бормайдиган болада-чи?

Бизга ёздилар

Бундан бир неча йил аввал қишлоғимизда кўз қўриб, қўлоқ эшитмаган хўнқ воқеа содир бўлган. Ёш келин уч-тўрт ёшдаги ўғлини кўзи оғир қайнонасига қолдириб, ўзи қирга пиёз ўтқоққа чиқиб кетибди. Улар яшайдиган ўй ёнидан катта анҳор оқиб ўтарди. Бехосдан ҳовлида ўйнаётган болакайнинг қоптоғи юмалаб сувга тушиб кетди. Болакай ҳам қоптоғини оламан деб... Ўзини айбдор деб билган қайнона кўп ўтмай телба бўлиб қолди.

— Агар қишлоқда боғча бўлганда, ўғлим ҳозир ҳаёт бўлармиди, — дея келин юм-юм кўзёш тўкканди ўшанда.

Ҳа, келинчақнинг ноласида жон бор... Бир вақтлар Юқори Чирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида бир эмас, тўртта болалар боғчаси бўлганини кўпчилик яхши эслайди. Лекин, минг афсуски, айрим раҳбарларнинг айби билан ўша боғчалар қимларгадир сотиб юборилди. Шўқри, Президентимизнинг "Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан қайтақилиштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши барчанинг кўнглидаги иш бўлди. Хусусан, ушбу фармонда мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўлини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда гоёат муҳим аҳамият касб этиши алоҳида урғуланди.

Чиндан ҳам, эндиликда таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг асосий устувор йўналишига айланди. Бироқ, таҳлиллар мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси барча жойда ҳам ҳозирча қўтирилганидек эмаслигини кўрсатмоқда.

Ушбу фармонга кўра, мамлакатимизда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Барча вилоят, туман ва шаҳарларда янги бўлимлари тўзилиб, фаолият бошлади. Ҳозирги кунда ишлаб турган мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базалари мустаҳкамланиб, эртамин эгалари бўлган болажонларимиз учун қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда. Жорий йилнинг ўзида биргина Юқори Чирчиқ туманида 23 та болалар боғчаси ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, амалий ҳаракатлар бошлаб юборилган. Умид қиламизки, тумандаги уч мингдан ортиқ хонадон ва етти мингга яқин аҳолиси бор Кавардон қишлоғида ҳам болалар боғчаси очилади.

...Қўшим набирасини қийинтириб, Янгибозордаги боғчага олиб кетаётганди. Яна бир қўшимнинг боласи: "Мен ҳам боғчага бораман", дея хараша қила бошлади.

"Болажоним, яқинда қишлоғимизда болалар боғчаси очилади. Ўшанда сен ҳам боғчага борасан", — дея кичкинтойни овутди онаси.

Айтинг-айтинг, қишлоғимизда болалар боғчаси очилсин. Йўқса, "Алдагани бола яхши", деганимиз шу бўлади.

Латифжон МАНСУРОВ

Сайёҳлар учун ташриф қоғози

Ўрта Чирчиқ тумани икки дарё ораллиги, яъни Чирчиқ ҳамда Охангарон дарёларининг қоқ ўртасида жойлашган. Тошкент воҳсининг мазкур минтақасини обихаёт билан таъминловчи бу икки дарё шундай табиий манзара касб этганки, унда қорли тоғлар, арчазору қайинзорлар, турнакўз булоқлар, ям-яшил дала ва боғлар уйғунликда бир-бирини тўлдириб туради.

Туманда Кўкбулоқ номи билан машҳур маскан бор. Ундан беш километр нарида — ҳозирги Нурафшон шаҳрининг марказида кўҳна Аҳтам саҳоба қабристонини бор.

Аҳтам саҳоба муқаддас қадамжосида учта чашма суви тинимсиз оқиб туради. Халқ ушбу булоқлар тарихини Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг куёви Ҳазрат Али номи билан боғлайди.

Ривоятларга қараганда, Аҳтам саҳобанинг вафотидан сўнг бу ерга Ҳазрат Али қадам ранжида қилади. Унинг Дудул лақабли отининг тўғлар остида тўртта булоқ қайнаб чиқади. Учтаси қадамжонинг ўзида, тўртинчиси эса, ҳозирги Кўкбулоқда.

Қарияларнинг ҳикоя қилишларига қараганда, бир кун улар муқаддас қадам-

МОВИЙ ЧАШМАЛАР ҲОМИЙСИ

жодаги булоқдан балиқ тутиб олишиб, бошига бежирим халқача осиб қўйишди. Орадан бир муддат ўтиб, ўша балиқ Кўкбулоқда кўриши берибди. Шундан кўринадик, мазкур булоқлар ер остида ўзаро бирлашади ва шу боис, сувлари ўта ложувард. Кўкбулоқнинг суви эса янада шаффоф.

Яна айтишларича, Кўкбулоқнинг суви ҳар доим топтоза, мовий рангги ҳеч қачон ўзгармайдиган. Қишда музламайди, ҳажми ҳам камаймайди. Бунинг ҳикмати шундаки, афсонавий қаҳрамон мақомига етишган Ҳазрат Али Аҳтам саҳоба хотираси учун намоз ўқиш пайтида янги кўз очган булоқларнинг



суви шифобахш бўлишини тилаб, Аллоҳга илтижо қилади. Шундан сўнг ҳақиқатан ҳам сув янада мовий тусга кириб, ўзгача таъмига эга бўлади. Мазкур чашма ўша даврдаёқ "Кўкбулоқ" номини олган. Бу муқаддас жойга келувчи зиёратчилар шифобахш сувда ювиниб, ҳам жисмонан, ҳам руҳан покланадилар.

Ушбу муқаддас қадамжонинг таъриф-тавсифи юрти-

мизнинг олис-олис бурчакларига етган. Шу боис, зиёратчи сайёҳлар оқими йил сайин кўпайиб бораётти.

Бу жойнинг яна бир ўзига хос сир-синоати бор. Кимки булоқ сувига тушишга ёки бирорта дарахтни кесишга жазм этса, бу ноҳўя ишининг жабрини, албатта, тортади. Зеро, тарихдан маълумки, баъзан табиат ўзига етказилган зарар учун ўч олади.

Бугун Кўкбулоқ бор-йўғи бир парчагина жой. Аммо, у афсона ва ҳақиқатлар уйғунлашиб кетган тарихий ўтмишимиздан гувоҳлик бериб турибди.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси
вилоят бошқармаси бошлиғи



Африка жанубида қор ёғди

Жанубий Африкадаги Sneeuberg Nature Reserve табиат қўриқхонаси қор остида қолди. Бу ҳақда Facebookдаги Cyclone of Rhodes гуруҳи маълум қилди.

Шунингдек, жирафа ва филлар қор босган дарахтлар фониди кетаётгани акс этган фото эълон қилинди.

Маълумот учун, Sneeuberg Nature Reserve қўриқхонаси Африка қитъаси жанубида, ЖАРнинг шарқий Капс провинциясида жойлашган.

Қундузги уйқу ҳаёт учун хавфли Қундузги уйқуни ҳўш кўрувчи одамлар Альцгеймер касаллигига кўпроқ мойил бўлишар эканлар.

АҚШдаги Вашингтон университети шифокорлари ана шундай ҳулосага келди. Шифокорлар ўтказган тадқиқотда 189 киши иштирок этди. Уларнинг ўртача ёши 66 да эди.

Олимлар икки ҳафта давомида кўнгиллиларнинг биологик фаоллигини кузатди. Бундан ташқари, миянинг МРТ тасвирлари олинди.

Натижада, мия фаолияти бўзилиб, кечаси ухлай олмай, қундузи уйқусираб юрадиган одамлар мазкур касалликка чалинишга мойиллиги маълум бўлди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Бехосдан йиқилиб тушиб, йиғлаётган болакайга шу сўзни айтсангиз, у дарров кўзёшларини тияди. Чунки, яхши биладики, йиғлоқлик — қизларга хос одат. Болаларни гўдаклигиданоқ ўғил-қизлигига қараб тарбиялаш — шарқликлар учун янгилик эмас.

Рухшўносларнинг фикрича, 3 ёшдан кейин қизалоқларда уятчанлик ҳисси пайдо бўлиб, озодаликка риоя қила бошлайди. Ўғлонларимиз эса ўғил бола эканликларини "исботлаш" учун ҳам ўзларини қучли ва доворак қилиб кўрсатадилар. Қизларнинг қўлидаги ўйинчоғини тортиб олиб, уларни йиғлатишни ҳам қаҳрамонлик, деб санайдилар. Бироқ, унга: "Киз боламисан, ўйинчоқ талашадиган", десангиз, бас, у яна ўғил болалигини "исботлайди".

Отаси билан бирга меҳмонга борган кичкинтой болалигига бориб, қариндошларининг уйда ётиб қолиш учун хараша қилаётганда, отаси унга: "Ҳозир мен ишга — тунги сменага кетаман. Сен ҳам уйда бўлмасанг, оиламиз эркаксиз қолади. Онангни, опа-сингилларингни қалқон қилган эдилар, — деганда, "ҳимоячи" бир зумда "кетаман"га тушиб қолади. Негаки, у — ўғил бола. Онани, опа-син-

гилларини, демакки, ўз ор-номусининг ҳимоячиси.

Кейинчалик, бола улғайганда унга йигитмисан ўзи, деган кинояли гап жуда қаттиқ таъсир қилади. Чунки, бундай савол кўпинча ўсмир ёшидаги йигитларга қара-

Дарвоқе... "Ўғил боламисан, ўзи?!"

та айтилади-да.

"Ўғил боламисан", "йигитмисан", деган саволнинг навбатдагиси "эркакмисан ўзи", деб янгиради табиий. Қизик, гўдак "Ўғил бола"лигини, ўсмир "йигит"лигини ҳимоя қилаяпти. Эркакларимизчи, нега улар жим? Улар ор-номусларини ҳимоя қилишяптими?

Ватанини ор-номуси деб билган эркакларимиз бир вақтлар юртимизни душманлардан ҳимоя қилиб, қўқсиларини қалқон қилган эдилар. Ватан ҳимояси бу онани, ўз аёлини, оиласини, муқаддас тупроқни асраш, деб тушунганлар. Бугун эса

ЮРАКЛАРНИ МАҲВ ЭТГАН САНЪАТ

Шаҳрисабз. Оқсарой. Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкали пойида миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизни ўзида муҳассам этган, шарқона ва миллий руҳда безатилган, турфа гуллар кўзни яшнатадиган майдонда Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросими ўтказилди. Инсоният тамаддунининг бешиги бўлган Туронзамин яна бир бор дунё аҳлининг эътиборини ўзига жалб этди.

Таассурот



Мамлакатимиз раҳбари анжуманининг очилиш маросимида иштирок этиб, мақом санъатининг инсоният тарихида тугган ўрни ва жамият тараққиётидаги аҳамиятига алоҳида урғу берди. Миллий мусиқа ва мумтоз адабиётимиз дурдоналари ҳамоҳанглигида ижро этилган мақомлар майдон узра янграб, асрлар давомида қон-қонимизга сингиб кетган миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мавжланттирди. Устоз санъаткорларнинг ҳар бир ижролари тингловчиларнинг олқишлари, офаринларига сазовор бўлди.

Миллий қадриятларни улуглаш, тарихий обидаларни ва халқимизнинг бой адабий меросини авлодларимизга асраб-авайлаб етказиш, айниқса, маънавиятимизни бойитадиган миллий санъатимизни нафақат ёшларимизга, балки бутун дунё аҳлига тарғиб қилиш бугунги кунда янада диққат эътибор марказидадир.

Шаҳрисабзда ўтказилган Мақом анжумани давомида ташриф буюрган меҳмонлар санъат, инсонларни бир-бирига яқинлаштирувчи, қалбларга меҳр, дўстлик туйғуларини улашувчи энг ноёб восита эканлигининг гувоҳи бўлди. Мақом навалари турли тилларда сўзлашаётган халқларнинг дилларини энг улуг мақсадлар йўлида бирлаштирди.

Анжуман кўнларида Оқсарой майдонида миллий қадриятлар, анъаналар, миллий ҳунармандлик анжомлари, миллий либослар барча иштирокчиларга манзур бўлди. Зеро, маънавияти юксак халқимиз асрлар силсиласида ўз миллий маданиятини, қадриятларини ва санъатини қай даражада асраб-авайлаб, бойитиб келаётганига ҳавас қилмайдиганлар, бизнинг анжуманларимизни келиб кўришсин.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
ЎзМТДП Тошкент вилояти
кенгаши раиси
ЎЗА

бирон-бир ишни битириш учун ташкилот ашигидан бош сукишни истамаган баъзи эркаклар бошлиқ ҳузурига ўз аёлини қиритаётганини қандай тушуниш мумкин? "Сен иш битиришга уста-сан, мендан кўра сўзамолсан", дейиш уларга ярашадими? Уйда бола боқиб ўтиришни ўзига эп қўриб, оила, рўзгор юкини аёли зиммасига юклаётган эркакни ким деб аташ керак?!

Оила юкини кўтариш аёл шаҳарма-шаҳар юриб, ортомқолаб келаётган

зил-замбил юкдан минг чандоқ оғирроқ-ку. Шуни била туриб, пинакка кетаётган эркаклар учун қандай сўз лозим?

Хурматли эркаклар! Сизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатингиз, қилаётган ишингиз оила аъзоларингиз, атрофдагилар учун ибрат бўлмоғи керак. Шундай йўл тутингиз, токи болалигингизда қулоғингиз тағида тез-тез янграган ўша қудратли сўз ўз кучида қолсин. "Ўғил боламисан, ўзи?!"

Аллома ҲУСАНОВА

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Хафтанинг

чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.

11 860 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-58-85 (факс)

233-70-10

233-55-38

233-38-23, 233-48-08

233-65-59

233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таърифида компьютер
марказида терилди ва
оператор Т. Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Набатчи муҳаррир

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Набатчи

Сайёра РИХСИЕВА

Назоратчи мусахҳ

Аллома АЗИЗОВА